


Рўйхат рақами 108-6

“ТАСДИҚЛАНГАН”
АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”
Бошқарувининг
2022 йил “23” сентябр даги
32 -сонли қарори билан

Бошқарув раиси



А.А.Муратов

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Мижозларини кредитлаш тартибига
6-сонли ўзгартиришлар ва қўшимчалар

(“ _____ ” _____ 2022 йилдан кучга киради)

Тошкент – 2022 йил

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Мижозларини кредитлаш тартибига 6-сонли ўзгартиришлар ва қўшимчалар

1. 126-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“126. Олий ўқув юртларида тўлов контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги “Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5203-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 августдаги 527-сонли қарори билан тасдиқланган “Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитларини ажратиш тўғрисида”ги низоми, ҳамда мазкур Тартибга асосан амалга оширилади.”.

2. Тартибнинг 6-иловасида:

а) 11-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“11. Қарз олувчига истёмоқ кредити миқдорини аниқлашда қарз юки кўрсаткичи ҳисобга олиниши керак. Қарз юки кўрсаткичи қарз олувчи/шерик қарз олувчи(лар)нинг микроқарз кредити бўйича ўртача ойлик тўловлари миқдорининг унинг ўртача ойлик даромади миқдorigа бўлган нисбати орқали аниқланади.

Бунда, кредит ажратилаётганда қарз олувчи/шерик қарз олувчи(лар)нинг қарз юки кўрсаткичи 50 фоиздан ошмаслиги керак. Қарз юки кўрсаткичини аниқлаш АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Мижозларини кредитлаш тартибининг 14-иловаси асосида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг моделига мувофиқ амалга оширилади.”;

б) 12-банддаги “аннуитет усулида” деган сўзлар “дифференциал ва аннуитет усулида” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 14-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“14. Қарз олувчининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб, кўриб чиқиш муддати 1 (бир) банк иш кунидан ошмаслиги лозим. Мурожаат рад этилган тақдирда, ушбу муддатдан кечикмасдан қарз олувчига ёзма шаклда маълум қилиниши шарт.”;

г) 17-банддаги “ходими ва банк юристига” деган сўзлар “ходимига” деган сўз билан алмаштирилсин;

д) 21-банддаги “банк пластик карточкалари орқали амалга оширилади” деган сўзлар “банк карталари орқали банк томонидан бириктирилган кредит-ID, “Quant” ва бошқа мобил иловалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. Тартибининг 10-иловасида:

а) 7-банддаги “филиалига” деган сўз “таркибий тузилмасига” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 10-банддаги “филиалга” деган сўз “банкнинг таркибий тузилмасига” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 11-банддаги “филиал” деган сўз “банкнинг таркибий тузилмасига” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 12-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“12. Қарз олувчига ажратиладиган микроқарз миқдорини аниқлашда қарз юки кўрсаткичи ҳисобга олиниши керак. Қарз юки кўрсаткичи қарз олувчининг микроқарз кредити бўйича ўртача ойлик тўловлари миқдорининг унинг ўртача ойлик даромади миқдorigа бўлган нисбати орқали аниқланади.

Бунда, микроқарз кредити ажратилаётганда қарз олувчининг қарз юки кўрсаткичи 50 фоиздан ошмаслиги керак. Қарз юки кўрсаткичини аниқлаш АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Мижозларини кредитлаш тартибининг 14-илоvasи асосида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг моделига мувофиқ амалга оширилади.”;

д) 14-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“14. Қарз олувчининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб, кўриб чиқиш муддати 1 (бир) банк иш кунидан ошмаслиги лозим. Мурожаат рад этилган тақдирда, ушбу муддатдан кечикмасдан қарз олувчига ёзма шаклда маълум қилиниши шарт.”;

е) 15-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“15. Микроқарз 125 фоиз миқдорида таъминот билан таъминланган бўлиши керак, бунда қарз олувчи микроқарз таъминоти сифатида қуйидаги таъминотларнинг бири ёки бир нечасини тақдим этиши мумкин:

а) банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;

б) мол-мулк, қимматли қоғозлар ва депозит гарови;

в) микроқарзнинг қайтмаслик хатари суғуртаси;

г) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланиши мумкин.”;

ж) 17-банддаги “ходими ва банк юристига” деган сўзлар “ходимига” деган сўз билан алмаштирилсин;

з) 19-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“19. Банк томонидан қарз олувчига ажратилаётган микроқарз таъминотига жисмоний шахс кафиллиги расмийлаштирилганда:

а) 25,0 млн.сўмгача битта жисмоний шахс кафиллиги билан;

б) 50,0 млн.сўмгача иккита жисмоний шахс кафиллиги билан ёки микроқарз қайтмаслик хатари суғурталанган ҳолда, ажратилиши мумкин.”;

и) 23-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“23. Қарз олувчи томонидан микроқарз ҳамда унга ҳисобланган фоизларни тўлаш микроқарз қайтариш графигига асосан банк кассасига нақд пул топшириш ёки қарз олувчининг омонат ҳисобварағидан пул ўтказиб бериш ёхуд банк карталари орқали банк томонидан бириктирилган кредит-ID, “Quant” ва бошқа мобил иловалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.”.

Банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш

ва ривожлантириш департаменти бошлиғи

А. Маликов

Ички меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича эксперт гуруҳи:

К. Исмоилий

А. Атажанов

Э. Атабаев

К. Яхшиев


Ғ. Джаббаров

Ш. Лафасов

Р. Бойназаров

А. Қодиров

Ш. Очилов



2022 йил 22 сентябрь

Тошкент ш.

ЮРИДИК ХУЛОСА

Юридик департамент томонидан АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқарувининг 2020 йил 29 сентябрдаги 26-сонли қарори билан тасдиқланган АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Мижозларини кредитлаш тартибига 6-сонли ўзгартиришлар ва қўшимчалар лойиҳаси ҳукукий экспертизадан ўтказилди.

Ушбу ҳужжат лойиҳаси билан АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Мижозларини кредитлаш тартибига Олий ўқув юртларида тўлов контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари берилишини тартибга солувчи норматив-ҳукукий ҳужжатлар рўйхати ва банк томонидан таълим кредитини бериш билан боғлиқ айрим бошқа шартларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу меъёрий ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 апрелда 916-сон билан рўйхатга олинган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (Низомнинг 3-бўлими “Тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, унга ўзгартириш киритиш ва бекор қилиш”) талабларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

Ушбу ҳужжат лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ экспертизадан ўтказилиб, коррупциявий омиллар аниқланмади.

Мазкур ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” бошқаруви тўғрисидаги низомга мувофиқ банкнинг бошқаруви ваколатига киради.

Юридик департамент
бошқарма бошлиғи



Ғ. Джаббаров

